

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****199 Тижорат банкларининг ночор хўжалик юритувчи
субъектлар (банкротлар) билан ишлаш қоидалари-
ни ўз кўчини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 158-1*

(2010 йил 25 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) ва «Банкротлик тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил 5-сон, 63-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 47-сон, 461-модда) ва 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 49-сон, 479-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1995 йил 23 февралда тасдиқланган 112-сонли «Тижорат банкларининг ночор хўжалик юритувчи субъектлар (банкротлар) билан ишлаш қоидалари» (рўйхат рақами 158, 1995 йил 14 июнь) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 5 июнь,
21/4-сон